

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг насиҳати



08:45 / 23.01.2019 3569

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўғли Абдуллоҳга мактуб ёзди: «Ўғлим, Аллоҳга тақво қил! Ким Аллоҳга тақво қилса, Аллоҳ уни асрайди. Ким Аллоҳга шукр қилса, Аллоҳ унга кўпайтириб беради. Тақво кўзингнинг устунини, қалбингнинг жилосини бўлсин. Шунинг билгинки, нияти бўлмаган кишининг амали йўқдир. Ҳисоб-китоби бўлмаган кишига ажру мукофот йўқдир. Муруввати бўлмаган кишига мол йўқдир. Эскиси бўлмаган кишига янғиси йўқдир».

«Солиҳлар гулшани» китобидан